СССР Давлат матбуот қўмитаси
ИВ №

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№5 (8.589) ◆ 1995 йил ◆ 11 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

9 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда 1994 йил якунлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Сессияда Республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президент шу кунларда мамлакатимизда босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш, келажак режаларини белгилаш жараёни кетаётганини, шу нуқтаи назардан қараганда Тошкент вилоятидаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади. Хусусан, саноатда, қишлоқ хўжалигида 1994 йили кутилган ўзгаришлар рўй бермади. Мамлакат иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутадиган заводлар, кичик ва қўшма корхоналар яхши натижаларга эриша олмади. Пахта, ғалла етиштириш режаси уддаланмади. Сабзавот, картошка, мева тайёрлаш миқдори 1993 йилга нисбатан камайди.Чорва моллари сони ҳам озайиб кетди. Халқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш, айниқса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни секин кечмоқда. Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ичимлик сув, газ билан таъминлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Ислом Каримов вазиятни ўнглаш, аввалги обрўни тиклаш йўлида вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб, халқ депутатлари кенгашининг янги таркиби халқни улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўради, деб ишонч билдирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Эркин Рўзиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Янги йилнинг дастлабки кунларида, сизларни сиҳат-саломат, бардам кўриб турганимдан мамнунман.

Сизларни ва сизлар орқали пойтахт вилоятимизнинг барча аҳолисини Янги — 1995 йил билан муборакбод этиб, ҳаммангизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака ва омадлар тилайман.

Шу билан бирга мана шу залда ўтирган депутатларни халқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга аёнки, бугунги кунда — юртимиз, жамиятимиз машаққатли синовлардан ўтаётган бир пайтда халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиш ҳар қайси инсон учун катта обрў, катта ишонч шунингдек, жуда катта масъулиятдир. Ишонманки, бундай шарафли ишончга сазовор бўлган депутатлар буни яхши тушунадилар, унинг қадр-қимматини қалбларидан ўтказиб баҳолайдилар.

Бундай мураккаб пайтда халқ кимнинг кимлигини айниқса яхши билиб олади. Ким эл-юрт манфаати учун чинакам қайғуряпти-ю, ким қуруқ, ҳавойи ваъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб-билиб турадилар.

Шу маънода Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, кўп партиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболаға бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига — Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар кўрсатишда, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён қилишига замин яратилди.

Бугун биз ўз юртимизда эркин ва озод жамият — адолатли ҳаёт пойдеворини, демократик давлатимизнинг асослари ва қадриятларини қураётган ва тиклаётган бир даврда ўтган сайловлар ва уларнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг халқаро обрўйига обрў қўшилаётганини жамоатчилигимиз сезиб турганига аминман.

Шу билан бирга ўтган сайловлар фуқароларимиз сиёсий савиясининг ўсишида, одамларимиз онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир қилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Тарихимизнан маълумки, қадим замонлардан буён инсонларнинг энг катта ва эзгу орзуниятлари, мақсадлари ҳаётда адолат ўрнатиш, адолат ҳукмронлигини жамият ва ўз ҳаётида кўриш, ҳақиқат тантанаси учун курашдан иборат бўлган. Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман: халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади,юртда файзу барака,одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади,кишилар орасида низонифоқлар кучаяди. Буни тарихимиздан ва сўнгги йилларда ўлкамизда юз берган воқеалар мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жойжойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳаётда адолат ўрнатиш албатта ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири — бу эркин, одил сайлов тизимидир. Яъни ҳар қайси поғонада — жамоани, маҳаллами, корхонами, туманми, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг ривожи ва тақдири кўп жиҳатдан муносиб ёки номуносиб шахсларни, ваколатларга эга бўлган рахбарларни, шу жумладан, ҳаётимиз — келажагимизни ишониб топширган ноиб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки, одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-тотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлига бошлайдиган, ҳамдард ва раҳмоқ бўлиб ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча,мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, ўз манфаатини кўзлаб, ҳаром-ҳаришга қўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар. Бу фикрларнинг асосий маъноси шуки — депутатлар ҳам, улар орасидан танлаб олинадиган раҳбарлар ҳам сайлов пайтида сайланади,қандай инсон эканлиги намоён бўлади.

Сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда — хоҳлайсизми-йўқми, ёқадими-ёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи «улуғ партиямиз» — КПСС белгилаб берган танҳо номзодга овоз беришга мажбур бўлган замонимизда қандай эркинлик бўлиши мумкин эди?

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. Шу сайловни ўтказиш жараёнининг ўзидаёқ одамларнинг онги ўзгарди, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган бўлди.

Илгариги сайловларни эсга оладиган бўлсак, ҳар беш йилда бир хил одамларни депутатликка сайлар эдик. Сайлов арафасида улар катта ваъдалар берарди-ю, ваколати тугаётганида эса ҳеч ким улардан ҳисобот талаб қилмасди. Муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказар эканмиз, буларнинг ҳаммасига ҳаётнинг ўзи чек қўйди.

Шунинг учун ҳам ўтган сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ — ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдириб, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин,уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақириқ-чақириқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика Кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-ғайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш — бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарамақарши қилиб қўйиш, турли бекарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

Ўзбекистонда ҳали ўзини тутиб олган, мустаҳкам ғоясига эга бўлган партиялар шаклланиб улгурганича йўқ. ХДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзига жалб қилиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

Мен бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: куни кеча «Яшасин КПСС!» деб қичқириб юрган баъзи кимсалар бугун ҳам ягона бир сиёсий куч, ягона бир партиянинг яккаҳокимлигини орзу қилиб юришибди. Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўёлмаймиз. Бу ҳаммага аён бўлиши керак.

Умуман, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, нима учун ёлғиз қандайдир сиёсий гуруҳ ўз манфаатини кўзлаб, қаётдан узоқ, сохта, баландпарвоз гаплар ва чақириқлар туфайли одамларни алдаб, ўз мансабпараст мақсадларига эришиши керак экан? Биз масаланинг бу тарзда қўйилишига бутунлай қаршимиз. Биз аввало халқимиз, жамиятимизнинг барча аъзолари фаровон ҳаёт кечириб яшасин, деган аҳида тарафдоримиз. Ишончим комилки, шундагина биз фуқаролар тотувлигига, миллатлар ҳамжиҳатлигига асосланган мустаҳкам демократик жамият қуришга эришамиз.

Сўнгги сайловларда маҳаллий Кенгашлар,Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияларидан кўрсатилган номзодлардан депутатлар сайланди. Энди депутатлар қайси тоифадан, партиядан, қайси гуруҳдан сайланган бўлсалар, шулар номидан ишлаши, фаолият кўрсатиши лозим.

Кечаги сайловлар натижасида маҳаллий кенгашлардан тахминан 67 фоиз, ХДПдан 28 фоиз, «Ватан тараққиёти» партиясидан эса 5 фоиз депутат сайланди.

Кейинги сайловлар пайтида яна бир бор сайловчилар билан юзма-юз бўлганда ишга ноқобил, қуруқ ваъдалар билан сайловдан ўтган номзодларга халқ ўзи ҳакам бўлади. Агар одамлар дастлаб адашган бўлишса, навбатдаги учрашувларда анча пишиқ бўлиб қолишлари муқаррар.

Ишонманки, халқаро тажрибада ўзини оқлаган мана шундай тизим-тартибга биз ҳам босқичма-босқич етиб борамиз, албатта.

Бугун Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар ишга киришар экан, мана шу фикрларнинг мағзига етиб, ўз масъулиятларини чуқур англаб олиб, фаолиятларини бошлашлари керак.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий кўз ташлаб, авваламбор, йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни баҳолаб, ундан кейин янги йил режаларини кўриш лозим.

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятдир.

Буни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор қилолмайди. Саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат тармоқлари — қандай соҳани олсангиз ҳам, буларнинг барчасида республиканинг, узоқ-яқин жойларида маълум ва машҳур бўлган Тошкент вилоятининг меҳнат жамоаларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг улкан, катта имкониятларга эга бўлган корхоналар ҳам Тошкент вилоятида. Кадрлар ҳақида гапирадиган бўлсак, зиёлилар ҳақида гапирадиган бўлсак — ҳар доим Тошкент вилоятини фахр билан тилга оламиз.

Республика миқёсида ҳавас қиладиган одамлар, Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратаётган инсонлар ҳам шу вилоятдан чиққан. Буларнинг ҳаммасини инобатга олсак, Тошкент вилоятидан кўп нарсаларни кутиш лозим бўлади. Авваламбор, бугун юртимизда бўлаётган янгиланиш, ислоҳотларда бу вилоятнинг пешқадамлар сафида бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: Тошкент вилоятини республика илғорлари қаторида кўриш ҳаммамиз учун табиий ҳолдир.

Лекин, минг афсуски, вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишганда, ҳавас қилгулик жиҳатлар йўқлигини кўриб ҳам ачинасиз, ҳам таажжубга тушасиз. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда вилоятда иш юришмай қолди. Халқ хўжалик соҳаларидаги кўрсаткичлар йилдан- йилга пасайиб бормоқда. Бундай ҳолни тушуниш жуда қийин. Чунки, бундан бир йил аввал — 1993 йил декабрь ойида Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда айни шу мазмундаги гаплар айтилган, бугун шу йиғинда ўтирган кўпгина тўмон, вилоят раҳбарлари иштирокида аҳвол батафсил таҳлил қилиниб, очиқ-ойдин баҳо берилган эди.

Бугунги мажлисда ўтган давр мобайнида вилоятда қилган ишларимизга якун ясасак, мақтаниш уёқда турсин, кўп соҳалардаги вазиятни тушуниш қийин. Хўш, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қандай ўзгаришлар юз берди?

Саноат соҳасини қараб чиқайлик.

Вилоятдаги қайси йирик корхонани олсангиз ҳам аҳвол ғоят ташвишланарли эканини кўрасиз. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром», Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (бу рўйхатни давом эттириш мумкин), аҳвол ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоятда тахминан 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан бирортаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмас.

Ташкил қилинган 66 қўшма корхоналардан 50 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос. Кўпчилик раҳбарлар бугунги вазиятни собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин алоқалар узилишига боғлаб ўтиришибдилар, шу сабабларни рўкач қилмоқдалар.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз, бунинг таъсири катта. Лекин ундан буён орадан уч йил ўтиб кетди. Хўш, токайгача яна эски замонни кўмсаб ўтирамиз? Ишлашни истаган, изланувчан раҳбар ва жамоалар ўз ишини бошқатдан ташкил қилиб, ўзини анча тутиб олди.

Иккинчидан, агар Россия билан алоқалар узилгани сабаб бўлса, у ҳолда нима учун Россиянинг ўзидаги корхоналар тўхтаб қолган? Бунга сабаб нима? Уларга ким халақит беряпти? Уларнинг ўзаро алоқаларини ким бузяпти? Асосий масала-алоқалар узилишида эмас, балки ишни янгича ташкил қилолмасликдадир, бозор иқтисоди қонунларининг бугунги кайфиятларга тўғри келмаслигидадир.

Асосий сабаб шундаки, баъзи катта корхоналарнинг раҳбарлари, шояд бирон-бир шаклда, айтайлик, Евроосиё ниқобида яна СССР қайта тикланармикан, деган умидда хомхаёл бўлиб юришибди. Бундай кайфиятлар ҳам борлигини очиқ айтишимиз керак.

Ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керакки, гап СССРнинг емирилганида эмас, балки илгари бошқача иқтисодий тизим шароитида ишлаган ва яшаган бўлсак, эндиликда бутунлай янги иқтисодий тизимга ўтаётганлигимиздадир.

Муайян кучлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг стратегик тармоқлари — олтин, металлургия, рангли металл ишлаб чиқариш соҳаларини барбод қилишга интилмоқдалар. Ва шу тариқа бизнинг бўйнимизга яна бўйинтуруқ илиб маркага тобе қилишга уринмоқдалар. Биз буларнинг барчасига хушёр кўз билан баҳо бермоғимиз даркор.

Биз дунё бозоридан хомашё билан эмас, аксинча, сифатли, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот билан ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Муаммоларни, олдимизда турган тўсиқларни бартараф қилишнинг асосий йўли шу.

Шундай кунлар келади, келмоқда ҳам. Ўзбекистон тобора жаҳон бозорига чиқиб бормоқда.

Аммо бу улуғ мақсадларга етиш учун, фарзандларимизга озод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардона бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак.

Афсуски, шу нуқтаи назардан вилоятдаги бошқа соҳалар ишига назар ташласангиз, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳам кўпида деярли ўзгаришлар йўқлигини кўрасиз. Эски ҳаммом, эски тос. Кўпгина ҳолатларни таҳлил қилганда авваламбор боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм сураётганини сезиш мумкин. Аввало, раҳбарлар ўзини мустақил ва мустаҳкам сезмасдан, ниманидир пойлаб ўтирганини кўриш мумкин.

Яна бир бор аниқ ва қатъий айтмоқчиман: эски замон энди ҳеч қачон қайтмайди! Бекорга пойлаб-кўмсаб ўтирибсизлар. Вақти-соати келди энди жавоб беришга. Ёки бугунги замон талаби билан ишлайсизлар ёки овора бўлмасдан, бизларни ҳам овора қилмасдан, йўлни тўсмасдан, жойингизни бўшатиб берасизлар!

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги аҳвол саноатдагидан ҳам ночор. Айтинглар, бу ҳолга ким жавобгар? Ким четдан туриб вилоятга ҳалақит бермоқда, ишингизга ғов бўлмоқда? Балки шу залда ўтирган туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ўтган йил мавсуми натижаларини, якунларини изоҳлаб, тушунтириб беришар?

Шуниси ачинарлики, вилоятда пахтачилик бўйича йиллик режани уддалай олмаган туманлар ва хўжаликларнинг деҳқонлари 33 фоизлик имкониятдан, янги қўшимча катта даромадлардан маҳрум бўлдилар. Мен буларнинг ҳаммаси раҳбарлик ва бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибати, деб биламан. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.

Ғаллачиликда ҳам ўтган мавсумда ҳосилдорликнинг яна пасайиб, маҳсулот умумий ҳажмининг янада қониқарсиз даражага тушиб қолганлиги эътиборни жалб қилади.

1994 йили вилоятда дон ҳосилдорлигининг 3-4 центнерга камайиб кетганлигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Бундай аҳволда Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш масаласини ҳал этишда пойтахт деҳқонларининг ҳиссаси қандай бўлади, буни бир чуқурроқ ўйлаб кўрайлик!

Сабзавотчилик соҳасини олиб кўрадиган бўлсак, яна нохуш манзарага дуч келамиз. Тошкент вилоятининг кўп туман ва хўжаликларининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани маълум. Хўш, шундай экан, ўтган даврда бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? 1994 йили 1993 йилга нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу суръатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти у ёқда турсин, вилоят аҳолисини боқиш ҳам амримаҳолдир.

Энг оғир аҳвол чорвачилик тармоғида мавжуд. Биргина 1994 йилнинг ўзида хўжаликлар ҳисобидаги қора молларнинг сони 14 мингтага, қўй-эчкилар 52 мингтага, паррандалар сони 500 мингтага камайиб кетганини қандай изоҳлаш керак?

Бундай ачинарли, ночор аҳволнинг сабабларини кўп нарсаларда кўриш мумкин. Лекин ***бу иллатнинг асосий сабаб ва илдизларини ишни эскича ташкил қилиш, бепарволик, лоқайдлик, раҳбарлар ва мутасадди мутахассисларнинг суяги эски тизим қоидаларида қотиб қолганлигида кўриш мумкин.***

Ислоҳотларни ўтакетган расмиятчилик, хўжакўрсинлик усулида ўтказиш, ҳар қандай янгиликка қарши туриш, бугунги замон талабларини мутлақо тушунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳам бу ҳолатнинг сабабларидир. Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилинган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилаётган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир.

Заҳматкаш, оддий деҳқонни ҳурмат қилмаслик, унда мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш у ёқда турсин, янги пайдо бўлаётган фермерларга, мулк эгаларига тўсқинлик қилиш — ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини йўққа чиқаради.

Яна бир бор айтаман: бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ. Ҳамма белгилаган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб турибди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга ғов бўлиб турибди. Чунки бундай кимсалар аввало янгиликдан қўрқади, маъсулиятни ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайди, давлатжамоа мулкини худди ота-бобосидан қолган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обрўйини тўкади. Оддий фуқаролар, деҳқонларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан кўли совиб, ҳафсаласи пир бўлиб қолиши табиий ҳолдир.

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❒ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

❒ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Эркин Маҳмудович Рўзиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинланди, Мирзамурот Икромов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинди.

❒ Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1994 йилги якунлари ва 1995 йилда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

❒ «Андижонпиво» ҳиссадорлик жамиятида яхна ичимликлар қуйиш цехи фойдаланишга топширилди. Германия ва Болгариядан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги цех саккиз соатда 72 минг дона шишага ичимлик қуйиб, бир йилда эса салкам 16 миллион дона «Пепси-кола», «Фиеста» каби чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқаради.

❒ Яккабоғ туманида чинни буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё топилди. Бу хом ашё Самарқанд чинни заводида муваффақиятли синовдан ўтказилди.

❒ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Пўлат Ҳабибуллаев чет элларда нуфузи баланд бўлган номга муяссар бўлди. Кембриждаги халқаро биография маркази унга «XX асрдаги буюк натижаларга эришганлиги учун» мукофотини беришга, махсус медаль ва дипломни топширишга қарор қилди.

❒ Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институтида шу институт, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Маданият жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

❒ Тошкентда яна бир нашр -- «Қўзғу» деб аталувчи ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳафтаноманинг биринчи сони босмадан чиқди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❒ Бугун Москвада Россия билан Қозоғистон ўртасида ҳукуматлараро музокаралар ўтказилади. Музокаралар натижаларига кўра 1995 йил учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида битим имзолаш кўзда тутилган.

❒ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг кечаги Фармонларига кўра Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерацияси Кенгашининг раиси Владимир Шумейко ва Федерал Мажлис Давлат Думасининг раиси Иван Рибкин Россия Федерацияси хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафига киритилди.

❒ Алматида транспортда юриш ҳақи уч тангадан беш тангагача кўтарилди.

❒ Волга автомобиль заводида Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб ВАЗ-2123 русумидаги беш эшикли «Нива» машинасини синаш бошланди. Ёзнинг ўрталаридан бошлаб уни туркумли равишда ишлаб чиқариш режалаштирилган.

❒ Бишкекда тартибни сақлашнинг алоҳида ҳолати жорий этилди. Ундан мақсад пойтахтда жиноятчиликка гов қўйишдир.

❒ Москва банклараро валюта биржасида бўлиб ўтган кечаги савдода АҚШ 1 долларининг қиймати 3705 рубли ташкил этди.

ХОРИЖДА

❒ Чехия, Словакия, Венгрия ва Польша вакиллари бугун хавфсизлик ва мудофаа масалаларини муҳокама этиш учун учрашадилар.

❒ Рим папаси Иоанн Павел II Босния ва Герцеговинада давом этаётган можарони «Бутун Европанинг емирилиши» деб атади.

❒ Италия Президенти Скальфаро мамлакат бош вазири вазифасини бажарувчи Сильвио Берлускони билан Италиядаги сиёсий тангликни муҳокама қилиш мақсадида учрашди. Мамлакат Президенти сиёсий етакчилар билан маслаҳатлашди ва у янги бош вазирни тайинлашга умид билдирмоқда.

❒ Канада армиясининг 120 ҳарбий хизматчиси яқин вақт ичида Руандага юборилади.

❒ Жанубий Африка Республикасида полиция хизматчиларини тубдан ўзгартириш кутилмоқда. Бунда полициячилар мамлакатнинг ирқий таркибини англатиб туриши керак. Хавфсизлик вазирининг айтишича, у оқ танли генералларни ишдан бўшатмоқчи эмас, улар бошқа лавозимларга ўтказилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

9 январда Тошкентда республикада кўппартиявийлик асосида биринчи марта ўтказилган сайловларда сайланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда 1994 йилги иш якунлари ва ислоҳотларни чуқурлаштириш, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бундан буёнги вазифалари муҳокама этилди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. К. Н. Тулаганов яна Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев қатнашди.

● Сессия тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади.

ПОЙТАХТ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мажлислар хонасида пойтахт тадбиркорларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унга туман ҳокимлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва бошқалар таклиф қилинди. Шунингдек, йиғилишда шаҳардаги 600 га яқин кичик, хусусий, қўшма корхона раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдулла Файзуллаев 16 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида қўйилган долзарб вазифалар хусусида сўзлади. У ўтган йили шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги қилинган ишлар ва муаммолар ҳақида гапирди.

Сўзга чиққан «Жалол» хусусий, «Ипак йўли» жамоа корхоналари бошлиқлари ва бошқалар мавжуд тўсиқлар ҳақида гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Виктор Чжен қатнашди ва сўзга чиқди.

Ғулом ЮСУПОВ.

ДУНЁ БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

«Шарқ гули» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган миллий буюмлар, ноёб каштачилик маҳсулотлари ўзининг нафислиги, юқори сифатлилиги билан жаҳонда довруғ қозонган. Қувонарли томони, корхонада иш бир маромда ташкил қилинган бўлиб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, ўз олдига қўйилган режаларни ортиғи билан бажариш бу ерда яхши анъана тусига кирган. Жумладан, корхонада йиллик режа 100,4 фоизга адо этилди.

Ҳозир акциядорлик жамиятида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий кийим-кечаклар ишлаб чиқарилиб дунё бозорига чиқиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг етакчи фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузиш юзасидан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Дамир ИСЛОМОВ.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, йўлимизда ғов бўлиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангина юрган раҳбарларни уйғотмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирмасак, лозим бўлса, алмаштирмасак, биз ислоҳотлардан кўзланган максадларга эришолмаймиз. Бу — аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижоат билан аниқ фаолият олиб боришимиз шарт.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ижтимоий аҳволини, уларнинг ичимлик суви ва газ билан таъминотини баҳоласак, жуда ачинарли хулосаларга дуч келиш мумкин.

Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларида газлаштириш бор йўғи 20-25 фоизни ташкил қилади. Ангрен шаҳри эса табиий газ билан яхши таъминланмаганлиги, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Оққўрғон ва Зангиота туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги наҳотки бу жойларда йўлбошчи бўлиб юрган раҳбарларни ташвишга солмаса?!

Билмадим, бугун шу залда ўтирган ҳокимлар қишлоқларда яшаётган одамларнинг аҳволини шу нуқтаи назардан баҳолайдимийўқми? Вазиятнинг масъулиятини, унинг оқибатларини англайдими? Англайдиган бўлса, ўз сайловчиларининг юзига қандай қарайди? Берган ваъдаларининг устидан чиқолмайдиган депутатлар, авваламбор, ҳокимлар эртага қай аҳволда қолишларини сезадимийўқми?

Куни кеча бўлиб ўтган сайловларда айрим туманларнинг ҳокимлари ҳатто туман кенгаши депутатлигига ҳам сайлана олмай қолганликлари барча каттаю кичик раҳбарларимизнинг кўзини очиши, уларни ҳушёрликка даъват этиши лозим. Энди ёлғон-яшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганлигимиздан қатъий назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан махрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини афсус билан қайд этиш зарур. Бир қанча хўжаликларнинг молиявий шароити оғир ҳолатда экани айниқса ачинарлидир.

Банкларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Илгарилари савдо-таъминот соҳасида ишлаётганлар орасида нопок кимсалар бор, деган фикр мавжуд бўлса, бугун ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиганлар асосан банк муассасаларида жойлашган, десак, хато бўлмайди. Бу соҳани тез кунларда тозалаш, мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ишни янги услубда ташкил қилишга ўтиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифамиздир.

Вилоятда вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмаганлиги туфайли 1994 йилнинг ўн бир ойлик маълумотларига қараганда қасддан одам ўлдириш, порахўрлик ва таъмагирлик каби жиноят турлари кўпаймоқда. Аҳвол шу даражага етиб борганки, ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида жиноятга қўл урганлар ҳам йўқ эмас. Ахир қонун ҳимоячиларининг ўзлари қонунбузарлик билан шуғулланса, оддий фуқаролардан нимани талаб қилишимиз мумкин?

Исловотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо энг мураккаб, энг оғир масалага айланиб қолиши кўпчиликка маълум. Бу муаммони тўғри ечишга эриша олсак, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидай ҳис қиладиган, ишбилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жой-жойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бўшатиб бераётган бир пайтда — бу масала энг муҳим, ҳал қилувчи вазифага айланмоқда.

Бугун муҳокама этаётган масалаларимизнинг негизида кадрни тўғри танлаш, масъулиятли лавозимга муносиб раҳбарларни тайинлаш масаласи бор. Нега деганда ҳисобот даврида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар замирида танланган раҳбарларнинг ҳақиқий раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаганлиги, бугунги замон талабларига жавоб беролмаганлиги ётибди. Шу маънода Тошкент вилоятининг ҳокимини тайинлаётганида хатоликка йўл қўйилгани бугун аниқ. Буни очиқ тан олишимиз лозим. Мирзамурод Икромов тайинланаётган, сайланаётган пайтда биз холис ният, катта умид билан, уни ёш мутахассис раҳбар сифатида, Ўртачирчиқ туманидаги меҳнат фаолиятида ҳам ўзини иши билан кўрсатганини инобатга олган эдик. Кўпгина номзодлар орасидан у кишини ажратиб олган эдик. Лекин, минг афсуски, Мирзамурод Икромов билдирилган ишончни ўз фаолияти билан оқлай олмади.

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми, ўзига хос бир файзи бор. Оллоҳ таолонинг шу юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматлари ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай асраб-авайлаши лозим. Ўзининг ҳоҳ орзу-ниятлари билан, соф ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор.

Афсуски, шундай вазият Мирзамурод Икромов раҳбарликка келиши билан Тошкент вилоятида мавжуд бўлмади.

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини авваламбор одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни қарор топтиришдан бошлаши керак. Атрофида ишлаётган фаолларга иши билан ибрат бўлиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур. Икромовнинг раҳбарлик фаолияти кадрларни бошқаришдан эмас, уларга қарши курашдан бошланди. У ишни кўпчиликни ўзига қарама-қарши қўйиб, муҳитни бузишдан бошлади. Албатта, ишда талабчанлик, қаттиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушунади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар — авваламбор инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир. Афсуски, Икромов бундай хусусиятлардан катта лавозим эгаси бўлганида ҳам қутула олмади.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақатгина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоқлари, аччиқ тажрибалари билан ҳам кўп нарсага ўргатиши мумкин. Йил давомида Икромов кўп марта огоҳлантирилди, лекин бундан хулоса чиқармади.

Ориятли, мард одам бундай пайтда албатта тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Мана шундай аччиқ ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Икромовнинг ўзи вазиятни англаб, вилоят ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Ўйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

— ***кенгаш***
— ***маслаҳату машварат***
— ***қатъий қарор***
— ***тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.***

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб ўқдиради соҳибқирон бобомиз.

Истар эдимки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуруламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншоолloҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ 1994 йил 25 декабрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайлов якунлари чиқарилди. Маълумки, республикада сайлов кампаниясини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун 250 та округ ва 7202 та участка сайлов комиссияси тузилган эди. Сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимият органлари мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органига 250 депутатлик ўрнига 634 номзод, шу жумладан Халқ демократик партиясидан 243 номзод, "Ватан тараққиёти" партиясидан — 141 номзод ва маҳаллий ҳокимият органларидан 250 номзод кўрсатилган ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган эди. 139 сайлов округида учтадан номзод, 106 сайлов округида иккитадан номзод ва бешта сайлов округида биттадан номзод овозга қўйилди.

Республика бўйича 11248464 киши сайловчилар рўйхатига киритилди, 10526654 киши ёки сайловчиларнинг 93,6 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Овоз беришда Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг 86,2 фоизи, Андижон вилоятида — 96 фоизи, Бухоро вилоятида — 94,6 фоизи, Жиззах вилоятида — 95,2 фоизи, Навоий вилоятида — 86,9 фоизи, Наманган вилоятида — 97,2 фоизи, Самарқанд вилоятида — 93,8 фоизи, Сирдарё вилоятида — 95 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 94,4 фоизи, Тошкент вилоятида — 89,5 фоизи, Фарғона вилоятида — 94,9 фоизи, Хоразм вилоятида — 96,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 96,9 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида — 96 фоизи иштирок этди.

250 сайлов округининг ҳаммасида сайловчилар овоз бердилар. 205 округда Олий Мажлис депутатлари сайланди, жумладан, Халқ демократик партиясидан — 54 депутат, "Ватан тараққиёти" партиясидан — 6 депутат ва маҳаллий кенгашлардан — 145 депутат сайланди. ХДП номзодлари Ўзбекистон Республикасидаги овоз беришда иштирок этган барча сайловчилар овозининг 30,6 фоизини, "Ватан тараққиёти" партияси номзодлари — 9,8 фоизини олди, яъни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 46-моддасида белгиланган беш фоизлик маррадан ўта олди ва сайланган деб эътироф этилди.

Депутатликка учтадан номзод овозга қўйилган 39 та сайлов округида уларнинг бирортаси ҳам сайловчилар кўпчилигининг овозини ололмади. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ бу округларда 1995 йил 8 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилди. Иккитадан номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган олтита сайлов округида 1995 йил 22 январь куни қайта сайлов ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси ҳамма жойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов уюшқоқлик билан, қонун талабларига тўла мувофиқ равишда, фуқароларнинг юксак даражадаги фаоллиги билан ўтганини таъкидлади. Давлат ҳокимияти олий органига мамлакатимизда яшаётган 12 миллатга мансуб фуқаролар сайланди.

Олий Мажлис депутатларини сайлаш мустақил Ўзбекистонда демократик жараённи ривожлантиришда, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишида катта қадам бўлди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11 ва 46-моддаларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган барча депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Олий Мажлисдаги қолган 45 ўринга депутатлар сайлаш тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда эълон қилинади.

"Тоштўқимачи" ҳиссадорлик жамияти 1-тўқув цехининг илғор ишчиси Фотима Ҳамдамова Янги йилнинг биринчи иш кунидан бошлаб иш суръатини оширган ҳолда меҳнат қилмоқда. Кундалик топшириқларини ортиғи билан адо этишга эришаётган бу илғор ишчи бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Козим Ўлмасов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Республика Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилган қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органининг номи	Эгаллаб турган лавозими (машғулот тури)	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6
	ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА				
1.	**Азимов Рустам Содиқович**	1958	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси	16-Машинасозлар
2.	**Азимова Мукаррамхон Аҳадовна**	1952	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	"Файз" давлат ҳиссадорлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	14-Сергели
3.	**Алимбаев Абдуманап Абдураимович**	1947	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	10-Файзиобод
4.	**Ашуров Муҳсинжон Ҳурамович**	1949	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	19-Дўмбробод
5.	**Журавлев Василий Николаевич**	1933	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори	17-Самолётсозлар
6.	**Жўраев Тўхтамурод Жўраевич**	1934	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Тошкент давлат университети ректори	13-Қорақамиш
7.	**Зокиров Тоҳир Обидович**	1949	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ("Тошкент-уйжойинвестқурилиш") бошқарувининг раиси	18-Ҳамза
8.	**Зокиров Фарруҳ Каримович**	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Туркистон" саройи бош директори	23-Оқлон
9.	**Мўҳаметов Тошмат**	1950	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Юнусобод тумани ҳокими	28-Чинобод
10.	**Мелкумов Александр Николаевич**	1940	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Совпластитал" қўшма корхонаси бош директори	20-Чилонзор
11.	**Миржалилов Адҳамжон**	1946	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Шайхонтоҳур тумани ҳокими	22-Шайхонтоҳур
12.	**Мирзиёев Шавкат Миромонович**	1957	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Мирзо Улуғбек тумани ҳокими	8-Тракторсозлар
13.	**Мирқосимов Алишер Муҳамедович**	1949	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Яккасарой тумани ҳокими	30-Ракат
14.	**Расулев Ўткир Ҳасанович**	1939	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Республика Фанлар Академияси Электроника институти директори	24-Узоқов
15.	**Раҳмонқулов Мир-Акбар Хожи-Акбарович**	1952	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректорининг биринчи ўринбосари	6-Улуғбек
16.	**Рашидова Сайёра Шарофовна**	1943	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Республика Фанлар Академияси Кимё, физика ва полимерлар институти директори	27-Юнусобод
17.	**Темуров Шукур-Салим**	1936	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси	2-Оқтепа
18.	**Товаровский Виталий Михайлович**	1935	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Ўзбекнефтгазқурилишмонтаж" ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи	21-Мевазор
19.	**Тошпўлатов Абдуваҳоб Абдураҳмонович**	1935	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	25-Марказий
20.	**Тўлаганов Козим Носирович**	1949	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Тошкент шаҳар ҳокими	12-Собир Раҳимов
21.	**Халилов Эркин Ҳамдамович**	1955	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи	7-Қорасув
22.	**Ўразаев Шавкат Закариевич**	1927	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди раиси вазифасини бажарувчи, Тошкент давлат юридик институти ректори	5-Дархон
23.	**Қирғизбоев Алижон Элчибоевич**	1945	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Мебель" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори	15-Қўйлиқ
24.	**Ғуломмаҳмудов Абдували**	1940	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	"Конструктор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	26-Ғайратий
25.	**Ғуломов Латиф Ёқубович**	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби	29-Бошлиқ

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. АҲМЕДОВ.
Марказий сайлов комиссиясининг котиби А. АНОРҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 январь.

Маҳалладош

Маҳалланг — Ватанинг, ота-онанг...

ДУНЁ ТУРГУНЧА ТУРАДИ

Рихси ая исмли аёлни маҳалламиздаги каттаю кичик ҳурмат қиларди. Пиру бадавлат, кўнгли очиқ, одамохун бу онахонга салом бермасангиз ўзига яқин олиб: "Тани-жонинг соғми, отам, даданг, ойинг яхши юришибдими?" дея сўрашарди. Кейин меҳрибонлик билан елкангизни силаб кўярди. Рихси ая болалигида ўгай она қўлида қийналиб ўсгани учунми ёки табиати шунақами, ёлғизликда қийналиб қолган йигитларнинг қариндош-уруғларини бирлаштириб уйлантириб кўярди. Маҳалламиздаги Эргаш, Усмон, Қаҳҳор акаларнинг тўйига бош бўлдилар. Ҳозирги кунда уларнинг барчаси ўғил-қизли бўлиб, бахтиёр ҳаёт кечиришаяпти. Ая мазмунли яшаб, оламдан ўтдилар. Аммо у кишининг яхшиликлари уни ўз онасидек эъзозлаб келаётган инсонлар, бутун маҳалладошларга хотира бўлиб қолди.

Яхшилик дунё тургунча туради, деб бежиз айтишмаган. Орамизда Рихси ая каби фидойи, жафокаш, ўзгалар бахт-саодати учун яшайдиган одамлар бор экан, қадриятларимиз улуғланаверади. Бу каби инсоний фазилатлар айниқса маҳаллаларда азалдан қарор топиб келмоқда. Давлатимиз ўз мустақиллигига эришгандан кейин эса маънавий турмушимиздаги ижобий ўзгаришлар янада яққолроқ сезила бошлади. Шу ўринда ёшларимиз ота-боболари, маҳалладошлари қолдирган яхши номни авайлаб-эъзозлаш, улар анъанасига содиқ бўлишга ҳаракат қилишаётгани қувончлидир.

— Биз истиқомат қиладиган кўчада Абдусаттор деган етмиш ёшдан ошган, уч марта жанговар "Шуҳрат" ордени нишондори, ҳунарманд, ажойиб устоз яшарди,— деди биз билан суҳбатда А. Икромов туманидаги "Пахтакор" маҳалласининг фуқароси Омон Сайдаминов.— Серфикр, қўли очиқ, саховатли, ҳожатбарор, камгап бу амакимизнинг кўпчилигимизга нимаси биландир ёрдамлари албатта теккан. Ўзи, қалби пок Абдусаттор аканинг тўсатдан оламдан кўз юмганларини эшитиб, ёшу қари чуқур қайғурганмиз. Негаки улар ясаган бешик, беланчак, аравачаларда кўпчилик набираларимиз катта бўлишган, турли мевали дарахтларимизни бир-бирига пайванд қилиб, серҳосил навлар яратишга, ҳовлиларимизни боғ-роғ қилишга кўп ҳисса қўшганлар. Электр тароқларимиз бирон носозлик туфайли ўчиб қолса, дарҳол тузатиб, кечаларимизни худди кундуздек ёритиб, дилларимизни шодон этадилар. Ана шундай инсоннинг барча ўғиллари худди падари бузрукворларига ўхшаб ҳунарманд, хушмуомала бўлишган. Улар Абдусаттор акадек кўни-кўшнилар, маҳалладошларга қайишаётганлари учун кексалар "Отангга раҳмат!" дея миннатдорчилик билдиришаяпти.

Ота-боболаримиздан суяк суриб келаётган ажойиб хислатлар, удумларимиз айнан маҳаллаларда шаклланиб бораётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Президентимиз ушбу масканлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, миллий ва маънавий қадриятларни юксалтиришга бежиз эътиборни қаратмаётир. Кейинги пайтда маҳаллаларнинг куч-қудрати, обрў-эътиборини ўз кўзи билан кўриб, улкан ўзгаришларнинг шоҳиди бўлаётган фуқароларимиз маҳалла Ватан ичра Ватан эканлиги, ота-онадек меҳрибонлигига иймон келтирмоқдалар.

Бир пайтлар ҳаёт тақозоси билан Саудия Арабистонига бориб қолган Абдураҳмон ака Тошкандийнинг турмушда ҳеч қандай камчилиги йўқ. Жидда шаҳрида гилам чиқарадиган корхонаси ишлаб турибди, фарзандлари ўзларидан тинишган. Лекин бахтли бўлиш учун буларнинг ўзи камлик қилаётганини у юракдан чуқур ҳис қилади. Қалби киндик қон тўкилган юрт, қариндош-уруғлари томон талпинаверади. Тошкентдаги Кўкча маҳалласида яшаётган амакисининг ўғли Акбар ака Мирзаевни излаб топди. Унинг хонадонига ташриф буюрганда бу ерда тўй бўлаётган эди. Акбар ака ўғли Умиджонни уйлантираётганди. Узоқ вақт кўришмаган қариндошларнинг дийдорлашуви тўйни тўйга улаб юборди. "Шу кунларга етганимга шукур!". Абдураҳмон ака бу сўзларни кўзларига ёш олиб айтди. Шу кундан бошлаб узилган ришталар яна боғланди, Акбар ака ҳам оиласи билан Жидда шаҳрига бориб келди.

Эзгулик, яхшилик доимо инсонни улуғлайди. Сергели туманидаги Қумариқ маҳалласининг аҳли маҳалла ҳудудида жойлашган 3-автокорхона раҳбари Жўра Ҳожибековнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Жўра ака мана бир неча йилдирки, ушбу жамоа учун жон куйдириб келмоқда, қўлидан келган ёрдамини аямаётир. Ўтган йили маҳалланинг ҳисоб рақамига пул ўтказиб берди. Бу йил эса уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларидан 37 киши Туркистонга, Аҳмад Яссавий зиёратгоҳига бориб келиши учун бепул автобус ажратди. Маҳалладаги телефонга маблағ ўтказиб турибди. Яна бир томони, маҳаллада яшаётган кишилардан 100 нафардан ортиғи ушбу корхонада меҳнат қилишаяпти. Отахонлар "Жўравой умридан барака топсин", дея дуо қилмоқдалар.

Оталиқ ташкилотлари, саховатпеша, жонкуяр, фидойи инсонлар маҳаллаларнинг устуни, дейиш мумкин. Улар бор экан, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтса бўлади. Зеро, ёнатрофдагилар уларнинг меҳр-мурувватидан эзгу ишлари билан ном қолдиришаётганидан илҳомланиб, маънавий озиқа олиб яшайдилар.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Кенгашлар фаолиятидан

ОИЛА ЙИЛИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳамза туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳаллада Халқаро оила йили якунларига доир йиғилиш бўлиб ўтди. "Аёл, оила, жамият" мавзусида ташкил этилган ушбу тадбирни маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Адолат Носирова очиб, кенгаш ва фаол аёллар томонидан оилаларни мустаҳкамлаш борасида қилинган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Шуни таъкидлаш зарурки, маҳаллада турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Аёлларнинг оилаларда олиб бораётган тарбиявий ишлари туфайли барча хонадонларда тинчлик-тотувлик ҳукм сураяпти. Айниқса хотин-қизлар кенгашининг маҳалла ҳудудидаги 155-ўрта мактаб жамоаси билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Баҳри Шоҳидова, Зарифа Одилова, Наргиза Мирҳабибова каби фаоллар ота-оналар мажлисларида иштирок этиб, қизлар одоби ҳақида суҳбатлар уюштиришаётгани диққатга сазовордир. Яна бир томони, маҳаллада яшаётган кекса онахонларнинг ҳаёт тажрибаларига таянган ҳолда оилалардаги келишмовчиликлар, қўйдирчиқдиларнинг олди олинмоқда. Кўп болали оналардан Ҳамида Жалилова, Рафиқа Жўраевалар кенгаш фаолиятига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Халқаро оила йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир давомида куйлар қўшиққа, рақсга уланди. Шоира Нилуфар ўзининг янги шеърларидан намуналар ўқиб берди. Фалсафа фанлари доктори, профессор Хотима Шайхова бугунги кунда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида гапирди.

Йиғилишдан сўнг биз Ўзбекистон хотин-қизлар комитетининг раиси Дилбар Ғуломовадан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилдик.

— Аёлларимиз бор экан оила йили давом этаверади. Зеро, қайси соҳада меҳнат қилишмасин мустақил давлатимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишаяпти. Халқаро оила йилида республикамиз, хусусан пойтахтимиздаги оилаларда аёлларимиз мавқеи, ақл-иродаси тобора ўсиб бораётгани намоён бўлди. Бу жуда қувонарлидир.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Бу киши — биздан

ОДАМЛАР ОРАСИДА

"Орамизда шундай инсонлар борки, одамлар учун елиб-югуришади. Бор куч-ғайратларини аямайдилар. Уларнинг беғубор қалби доимо меҳр-мурувват билан лиммо-лим. Маҳалламиз котиби Мақсуд Абдуллаев ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Бу киши барча ишларга бошқош, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, кексаларга қайишиб, ёрдам беришга ҳаракат қилади. Кўп қаватли уйларда яшаётган турли миллатга мансуб кишиларнинг доимо иноқ бўлиб яшашларида унинг муносиб ҳиссаси бор. Бундай фидойи инсонлар ҳақида ҳар қанча мақтовли сўзларни айтсанг шунчалик оз.

Ҳурмат билан, маҳалла аҳли номидан: Зулайҳо Тўраева, Лутфия Зокировалар".

Сергели туманидаги Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада бўлганимизда фуқароларнинг бундай дил сўзларини ёзиб қолдирган мактублари билан танишдик. Бу бежиз эмас, албатта. Мақсуд ака маҳалла котиблиги вазифасига қўйилибдики, ушбу масканда барча ишларга аралашиб, муаммоларни ҳал қилишга астойдил киришяпти. Унинг ташкилотчилиги, иқтидори, одамлар билан ишлаш қобилияти барчага маълум бўляпти. Қайси хонадонда оилавий келишмовчилик бўлса ёки тўю маъракаларда маҳалла оқсоқоли, фаоллар билан бирга кўриш мумкин.

— Маҳалла одамларни иноқ, дўст қилади, ёмонни яхши йўлга бошлайди, яхшидан эса ўрнак олишга ўргатади,— деди Мақсуд ака биз билан суҳбатда.— Баъзан оилавий келишмовчиликлар, ноқобил фарзандлар ҳам учраб турибди. Бундай пайтда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, тарбияга киришаётганимиз туфайли нохуш воқеалар ва салбий ҳолатлар юз бермаётир.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўп қаватли уйларда ушбу маҳалла ташкил этилган дастлабки кунларда на тўйхона, на чойхона бор эди. Мақсуд ака каби фаолларнинг югуриб-елиши туфайли тез орада тўйхона, чойхона, ошхона, сартарошхона, суратқашлик хонаси, турли хил устахоналар очилди.

— Котибимизнинг бир одатини ҳаммамиз яхши кўрамиз,— деди маҳалла фуқароси Зинаида Ким.— У бирор юмушни менинг вазифамга кирмайди, деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Жон дили билан киришиб кетаверади. Яна бир томони, ўзбек, рус, қозоқ, қўйингки ким бўлишингиздан қатъи назар миллат танламай, қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилади. Унинг одамгарчилигига албатта тан берасиз.

Нодира АБДУРИМОВА.

Мустақилликка эришганимиздан кейин маҳаллаларга бўлган эътибор жуда кучайди. Шаҳримиз маҳаллаларида ўтказилаётган турли тадбирларда миллий қадриятларимиз, яхши анъаналар, расм-русумлар тўғрисида тўпланганлар дилдан суҳбатлашишади. Айниқса, нуроний отахонларнинг, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бир сўзи ёшлар учун ғоят ибратлидир. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда ҳам ана шундай лаҳза тасвирланган. Бир пиёла чой устида ўтган суҳбат маҳалладошлар қалбида бир умрга сақланиб қолди.

Виктор Багаев олган сурат.

Иш билан бандлик

МАҚТОВГА САЗОВОР

Бундан саккиз йил илгари атиги олтита тикув машинаси билан иш бошлаган "Левентуль" кичик корхонаси бугунги кунга келиб ишлаб чиқариш концерни даражасига кўтарилди. Ўтган вақт мобайнида Акмал Икромов туманидаги "Наврўз", "Кўкча", "Оқлон" ва Улуғбек маҳаллаларининг аёллари шу жойда меҳнат қилиб келишяпти. Чеварлар тикаётган кийим-кечаклар, дастрўмоллар, кўрпа ғилофлари нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки хориждликларга ҳам манзур бўлаётир.

Диққатга сазовор жойи шундаки, концерн бўлимларининг деярли барчаси маҳаллаларда жойлашган. Унинг биргина бўлимида 120 нафар тикувчи баракали меҳнат қилмоқда.

— Биз асосан хом ашёнинг турига қараб ва бозор талабига мослаб маҳсулот тайёрлаяпмиз,— деди бўлим бошлиги Ўлмас ака Раҳимов.— Эркаклар кўйлаклари, хотин-қизлар халати, болалар кийим-кечаги, шалворлар, иш кийимлари каби 12 турдан ортиқ кийим-кечакларни ҳамшаҳарларимизга етказиб беряпмиз. Уларнинг модели концерн қошидаги Римма Алимова раислигида фаолият кўрсатаётган мусаввирлар кенгашида замон талаби асосида ўзгартириляпти. Бу ерда ташкил этилган малака ошириш ва касбга йўллаш қисқа муддатли курсларда эса ҳунари бўлмаган қизлар ва аёллар ўқитилмоқда.

Қувончлиси, яқинда ишчиларнинг маоши салмоқли даражада оширилгач иш мароми янада қизиб кетди. Ҳозирги кунда бир ишчининг ўртача иш ҳаки 2 минг — 2 минг 500 сўмни ташкил этяпти. Айниқса сифат борасида анчагина ютуқларга эришилди. Шу боис тикилаётган кийим-кечаклар янада харидоргир бўлиб қолди.

Чеварлардан Маҳмуда Қорабоева, Маъмура Муҳамадалиева, Муфиса Пўлатова ва бошқаларнинг номини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Яна бир томони, бу ерда ишлаётган аёлларнинг уй шароитларидан келиб чиқиб, қисқартирилган иш куни яратиб берилди. Хонадонларда 22 нафар касаначилар ишлашяпти.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларда яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган ушбу концерннинг фаолияти ҳақида ҳар қанча мақтовли сўзларни айтса арзийди.

Дония ЗОКИРОВА.

Ибратли ташаббус

ФАХРИЙЛАР ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда пойтахтимиздаги "Исломобод" маданият марказида маҳаллалар фаоллари иштирокида ёшлар ўртасида турли кўринишдаги тартиббузарликларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Кўпчилик қатори сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани фахрийлар кенгашининг раиси Нишон ака Саидов шундай деди:

— Маълумки, Шайхонтоҳур тумани шаҳарда энг йирик, аҳолиси зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Мавзелар янада кенгайиб, аҳоли сони тобора ортиб бормоқда. Янги ташкил этилган "Ибн Сино", "Жарарик", "Белтепа" каби мавзеларда туман ички ишлар бўлимининг алоҳида бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, шу атрофда яшаётган фахрийлардан милиция ходимларига кўмаклашувчи гуруҳ ҳам тузиш керак. Чунки тахминлар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда жиноят содир бўлса, айбдор ўша ернинг ўзидан чиқмоқда. Бизда кейинги йилларда ёмон бир одат пайдо бўлиб қолди. Яъни, бир маҳаллада яшаб турган кишилар кўшнисининг боласи кўчада тартибсизлик қилиб юрса, бирор дарахтнинг новдасини синдираётган ёки уй устидаги шиферга, симёғочдаги ёритгичларга тош отаётганини кўрсаларда, индамай ўтиб кетишади. Қадимда бунақа эмасди. Ҳатто бирорта бола катталарга салом бермай ўтса ёки ўзидан кичик болага озор етказса, кексалар уни ўртага олиб қойирдилар ёки ота-онасини чақириб, боласига таълим беришни эслатиб кўярдилар. Афсуски, бу яхши одатимиз эсдан чиқиб кетди. Халқимизнинг "Бир болага етти қўшни оталик қилади" деган мақолини эсдан чиқармаслигимиз зарур...

Билдирилган бу таклиф барчага маъқул бўлди. Ҳақиқатдан ҳам жойларда ўзгаришлар қилинмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковниги А. Зиёвуддинов ташаббуси билан "Ибн Сино" мавзесида ички ишлар бўлимининг бўлими ташкил этилди. Милиция лейтенанти Аброр Ортиқов бўлим бошлиги этиб тайинланди.

Ўтган қисқа вақт ичида бир катор ишлар амалга оширилди. Участка бўлимида вояга етмаган болалар билан ишлаш, ҳуқуқ-қонунларни тарғибот қилиш, жиноят қидирув, патруль хизмати ва навбатчиларга мўлжалланган хоналар жиҳозланди.

Участка вакилларига ёрдам кўрсатиш мақсадида Ибн Сино маҳалласида 262-ўрта мактаб жамоаси билан бирга жиноятчиликка қарши курашда кўмаклашувчи фахрийлар гуруҳи ҳам ташкил этилди. Айни пайтда гуруҳ аъзолари участка вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Улар ҳар бир хонадонга кириб, бу ерда яшовчиларнинг аҳволи билан яқиндан танишмоқдалар.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.

Ихчам тақриз

ОҚСОҚОЛЛАРГА АСҚОТАДИГАН РИСОЛА

"Маҳалла — ўзини ўзи бошқариш органи". Шу ном билан яқинда чоп этилган рисола муаллифлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби К. Комилов, Мирзо Улуғбек тумани оқсоқоллари кенгаши раиси С. Оқмирзаев, илмий ходим С. Абулқосимова ва маҳалла билимдони И. Расуловлар жуда муҳим ва савобли ишга қўл урганлар. Улар мазкур китобчани маҳалла оқсоқоллари, фаолларга йўриқнома тариқасида тақдим этишган.

Маҳаллий ҳокимият тизимида маҳалланинг ўрни ва роли юртбошимизнинг нутқ ва қатор маърузалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунида аниқ таъкидланган бўлишига қарамай, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари, қолаверса маҳалла фуқаролари мазкур Қонуннинг асл моҳиятини тушунишларига хизмат қилувчи бирор бир ҳужжатга, услубий қўлланмага эга эмасдилар. Бу ишга биринчи бўлиб қўл урган Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманлари оқсоқоллар сардорларини табриклаш керак.

Мазкур қўлланмада маҳалланинг маҳаллий ҳокимият тизимидаги мавқеи ҳақидаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Мирзиёев мазмунли сўзбоши ёзган.

Президентимиз томонидан маҳаллалар, ушбу масканларда яшаётганлар ҳақида айтилган фикрлар, чиқарилган Фармонлар ва қабул қилинган қарорлар ҳам китобдан ипга тизилган маржондек ўрин олганки, бу ҳужжатларнинг моҳиятини илғаб олишда маҳалла аҳлига жуда асқотади.

Қўлланма муаллифлари республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ташкил этилиш жараёнини батафсил ёритиб, унинг Низомини ҳам тўлалигича бериб, тўғри иш қилишган. Чунки "Маҳалла" жамғармаси фаолиятига баҳо бермоқчи бўлган киши аввало унинг Низоми билан тўлиқ танишиши зарур. Китобчада "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ташкилий ва амалий ишларни такомиллаштириш тадбирлари ҳам илова қилинган. Тумандаги "Гулистон" маҳалласи оқсоқоли, котиби ва оқсоқол маслаҳатчиларнинг Қонундан келиб чиқиб тузган иш режалари, вазифалари батафсил баён этилгани эса шубҳасиз маҳаллаларда янги сайланган фаолларга қўл келади.

Булардан ташқари, қўлланмада мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлодини тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги концепцияси муҳим қоидаларининг маҳаллалар Кенгаши фаолиятидаги асосий йўналишлари ўрин олганки, бу жамоат ташкилотлари учун амалий қўлланма бўла олади.

Барча маҳаллаларнинг фаоллари ўрганишга арзийдиган "Фан" нашриёти томонидан чоп этилган ушбу рисола ҳар бир оқсоқолнинг иш столи устида туришини истардик.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент.

ТАРИХИЙ НОМЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

ЗЕВАК

Бешёғоч даҳасидаги маҳалла. Яланкар, Қоратош, Қози Низомиддин, Бешёғоч маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, кўнчилик, чакана савдо-сотиқ, деҳқончилик, боғқоллик билан шуғулланган. Ҳозирги кунда бу ерда маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари қурилмоқда.

БАДРБОЙ

Сорчабон, Мирзагози, Темирчи, Чуқуркўприк маҳаллалари билан чегарадош бўлган бу маҳаллада қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик қилган. Бундан ташқари ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланганлар. XX аср бошларида масжид, темирчилик устахонаси, боғқоллик дўконлари, жувозхона, 3 та тегирмон, чойхона бўлган.

БЕШОҒАЙНИ

Себзор даҳасидаги маҳалла. Қохота, Ҳовузли, Қоратут, Қошиқчилик маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Бу масканда асосан ўзбеклар яшаб, деҳқончилик, чакана савдо ва ҳунармандчилик билан банд бўлган. Жувозхона, тегирмон, тўқув устахоналари одамларнинг оғирини енгил қилган.

БОДАК

Шайхонтоҳур даҳасидаги маҳалла. Ганчтепа, Орқақўча, Олмазор, Туркянги-шаҳар маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Аҳолиси қишда қисман ҳунармандчилик, ёзда эса шаҳар ташқарисида—Дўрмон ва Яланғочда деҳқончилик, боғдорчилик билан машғул бўлган.

ШОХНИШИНТЕПА

Кўкча даҳасидаги маҳалла. Чақар, Тукли, Жаллоб, Чиғатой маҳаллалари билан чегарадош, Чиғатой дарвозаси ёнида жойлашган. 300 га яқин хонадон бўлган. Бу масканда яшаётганлар майда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, боғдорчилик ва деҳқончилик қилишган. 20-аср бошларида чойхона, боғқоллик дўконлари, масжид бўлган.

КАТТАҲОВУЗ

Кўкча даҳасидаги маҳалла. Обиназир, Дарвоза, Айрилиш, Сарҳумдон маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳаллада катта ҳовуз меҳмонларнинг эътиборини тортган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, шаҳар ташқарисидаги Кўрикрабод, Чўпонота, Октепа, Дамачи мавзелари ерларида деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳалланинг ҳозирги ҳудудида Гулобод турар жой мавзеси қурилган.

Санъат сеҳри

ЯХШИ КУНЛАРДА БИРГА БЎЛИБ

Мен доира чалишга жуда ёшлигимдан ҳавас қўйганман. Қаердаки доира садоси янграётган бўлса, албатта ўша жойни топиб борар эдим. Пойтахтимиздаги "Янги турмуш" маҳалласида қўли худди кетмончиникидек қадоқ бўлиб кетган Ҳусан Султонов доира чалганида кучли зарби-ю доира садосига кўпчилик қойил қолар эди. Мен ҳам бошқалар қатори у кишига меҳр қўйиб, шогирд тушдим. Уста фақат чап қўлининг тўртинчи бармоғигагина "Ноҳун" тақар эди.

Ўша кезлари чапдаст доирачилар бармоқ билан санарли эди. Мен устозим одамларнинг яхши кунларига борса доим доирасини кўтариб олардим. Доирани қиздириб бериб, кўп марта дуосини олганман. Ҳусан ака камтарин, доимо эл ичида бўлгани учун уни ҳамма ҳурмат қиларди. Кекса санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сурнайчи, доирачи, ноғорачи, қўшнайчи Ашурали Юсупов шундай деган эди: "Ўғлим, устозинг айтган бўлса ҳам, сенга бир гапни қайта айтаман. Бировни алдама, катта кетма, пулга ўч бўлма. Агар кимки тўйга айтса, ваъда бердингми албатта боргин! Сўзингнинг устидан чиқмасанг, эл назаридан қолиб, эл-юрт олдида уятга қоласан. Кейин ҳеч ким сени менсимайди, аксинча нафратланади. Ўз обрўйинг билан юриб, элга ҳалол хизмат қилсанг, асло кам бўлмайсан. Ҳар бир ҳунарнинг ўзига яраша машаққати бўлганидек, доира чалишнинг ҳам қийинчиликлари бор. Доирачи аввало қадимги куйларни билмоғи керак. Ана шундагина ўзини мукаммал санъаткор ҳисоблаши мумкин".

Мен ҳаётимда устозларимнинг доно маслаҳатлари, насиҳатларига амал қилиб келяпман.

Чамамда 1955-56 йиллар эди. Тошкентнинг Чиғатой маҳалласида яшаган кекса санъаткор, қўшнайчи ва сурнайчи Ахмаджон ота Умрзоков билан эгнимдаги қора чопонга доирамни ўраб олиб, никоҳ тўйларига борганим ёдимда. У даврларда тўйларда фақат сурнай ва доирагина чалинарди. Куёвнинг уйига келинни олиб келдик. Тўй бошланди.

Ахмаджон ота жуда содда эдилар. Тўй тугагач, тўйчини анча вақтгача кутдилар. Ниҳоят у келиб иш билан банд бўлганлиги учун отадан узр сўради. Уни дастурхонга таклиф қилмаган ёшларни қойиган ҳам бўлдилар. Менинг эса аллақачон сабр-бардошим тугаган эди. Кечаси бир амаллаб енгил машина топдимда, отахонни уйларига олиб бориб қўйдим. "Ўғлим, санъаткор, худди отга ўхшаган бўлади,— дедилар Ахмаджон ота дабдурустдан.— Баъзи тўй эгалари сени тўйга олиб боргунча юз хил ваъдалар беришади. Мен тўй эгасига кечаси уйимга олиб келиб қўясан, деган эдим. У ваъда берди. Мана, тўйи ўтди, уйига келин келди-ю, бизни унутди қўйди. "Тўйчи ўғлим, қани, ваъда қилган енгил машинанг" десам, "Ҳайдовчи ичиб қўйибди", деб баҳона қилди. Худди шунга ўхшаш одамлар от хизмат қилиб турганида ҳамма атрофида парвона бўлади. Аммо қариб, юк тортишга кучи етмай қолганда эътибордан қолади. Сен гапларимга ҳафа бўлма. Халққа ҳалол хизмат қилавер. Албатта кам бўлмайсан".

Халқ севган бундай санъаткорларга эргашган киши барака топаверади.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

Кўпнинг кенгашига

ШАРҚОНА, ДИЛТОРТАР БОЗОРЛАР



Шарқ бозорларида саранжом-саришталик диққат-эътиборда бўлганки, файзи-тароватн ҳаммани ўзига тортган. Бозорлар шом тушиши билан йиғиштирилиб, ахлатлар йиғиб олинган, сув сепилиб, супуриб-сидирилган, эртанги кун бозорга тап-тайёр қилиб қўйилган. Тош-тарозилардан тортиб, пештахталаргача, ҳатто бозор атрофлари тартибга келтирилган. Сотувчилар ва харидорлар бозорларнинг озодалигини сақлаб, ҳар хил чиқинди нарсаларни дуч келган томонга улоқтириб, ёки оёқ остига ахлат уюмларини уюб қўймаганлар. Олма пўчоғиними, қоғозними ёки бирор нарсани ерга ташлаган одамни: "Бозорни ифлос қиляпсиз-ку", "Неъматни ерга ташламанг, увол бўлади", "Одамлар юраётган йўлга ахлат ташламанг, фалокат юз беради", деб самимий огоҳлантирганлар.

Илгари пайтларда ҳозиргидек музқаймоқ еб қоғозини улоқтириш, қўлидаги керакмас нарсани дуч келган жойга ташлаб кетавериш каби ҳунук ҳолат-одатлар бўлмаган. Хаёли-иффатли ҳар бир инсон кўпчиликдан уялган, ҳурмат қилган ва тартибни сақлаб юрган.

Шарқона бозорларимизнинг яна бир яхши хусусияти, бозор ичидаги бозорчаларнинг тартибли, ёнма-ён ва аҳолига қулайлигидир. Бозорга ташриф буюрган харидор "Фалон нарса қаерда сотилади?" ёки "Дўппи бозори қаерда?" деб сўраб юрмаган. Узун тим остида ёки қатор-қатор расталарда ҳар бир мол-буюм ёки ноз-неъмат бозори тартиб билан жойлашган. Масалан, сабзавот, мевачева, хўл мева кабилар бир ерда, гуруч бозор, қовун бозор, гўшт бозор каби бозорчалар ёнма-ён ва маълум бир жойда тартиб олган.

Ҳозирги кунда Тошкентнинг "Олой", "Чорсу", "Фарҳод", "Сирғали", "Бешёғоч" каби бозорларида ана шундай тартиб-интизом яхши йўлга қўйилганки, харидорлар: "Фалон нарса қаерда сотилади" деб овора-ю сарсон бўлмай, бозорларни аниқ мўлжаллаб харид қилиб юраверадилар.

Бозорларни кўкаламзорлаштиришда шарқона дарахтлардан тол, оқ терак, қайрағоч, чинор, арча, мевали дарахтлардан ёнғоқ, олма, ўрик, ноқ, олча кабиларни экиш, бу манзарали ва мевали дарахтларни жой-жойига мос ҳолда хиёбон, кўча, майдон ва анҳорлар соҳилида ўстириш, парваришлашни доим назорат қилиб туриш лозим.

Бозор ичида, атроф-теварагида, ҳатто расталар ўртасида дам оладиган ўриндиқлар, ихчам курсилар, халтатўрваларни осиб қўядиган илгич устунчалар ўрнатилса, харидорлар нарсаларини қўйиб, бир зум бўлса ҳам ҳордиқ чиқарадилар, гулзор-хиёбонлар атрофидаги суянчиқли курси-ўриндиқларда дам олиб, нафас ростлайдилар.

Бозорларнинг чирой-жамолини очиб, кўнгилочар қилишда безакли расмлардан, озиқ-овқат, ноз-неъматлар ва ҳунармандларнинг ажойиб буюм-асбоблари суратларидан фойдаланиш мумкин. Одатда, гўшт бозорлари расталар пештоқига сўйилган қўй ёки чўчқанинг сони, қовургаси ёки калласининг сурати ҳунукдан-ҳунук қилиб осиб қўйилади. Бу кўпларни ғижинтиради, буларнинг ўрнига гўшт бозорига қўй-қўчқор, сигир-бузоқ, эчкитуяларнинг кўриниши суратлари, парранда гўшти бозори пештоқига эса ғоз, ўрдак, товуқ, курка кабиларнинг чиройли расмлари қўйилса, анча кўнгилли ва мантиқли бўлади.

Ўзбек анъаналарида қадимдан деворларга, биноларнинг пештоқларига ва махсус тошу ишлов берилган ёғоч-тахталарга яхши тилаклар ёзилган. Мамлакатлар ва вилоятлар орасидаги карвон йўлларида роботлар ва карвонсаройлар бўлганки, бу ерларда савдогару сайёҳлар дам олишган, равотларнинг деворларига ислимий ҳарфлар билан энг яхши ҳадислар, шоиру алломаларнинг шеърларидан байтлар ва доно фикрлар битиб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистон мамлакатининг бозорларида халқимизнинг мулойим табиати, бағри кенглиги ва маънавий оламини ифодалайдиган шиор-даъватлар ёзиб қўйилиши керакки, уни ўқиган ҳар бир инсон дилида яхши ҳис-туйғу, яхши ният, хуш кайфият, меҳр-оқибат туғилсин. Хориждан келган меҳмонлар бу сўзларни таржима қилдириб фикрлаганда, ўзбек халқимизнинг маънавий-маданий одобига таҳсин ўқисин, офарин айтиб ибрат олсин.

Бозор пештоқи-ю, расталарнинг деворларига, энг кўринарли жойларга қуйидагича мазмундаги мақол, нақл, ҳикмат ва оятлар, даъватлар ёзиб қўйилса (албатта мисол тарзида айтяпмиз) айни муддао бўлади, деган умиддамиз: "Барака бозоримизга хуш келибсиз!", "Харидорларимиз қадамларига хасанот!", "Деҳқон бозори сизга мунтазир!", "Харидингиз хайрли бўлсин!", "Харидорлар ва сотувчилар, ширин муомалали бўлинглар!", "Ширин сўз — болдан ширин!", "Хуш келибсиз харидор, хушвақт бўлинг!", "Олган нарсангиз яхшиликка буюрсин!", "Ҳалоллик — бараканинг онаси", "Ҳалол сотувчи барака топади", "Ҳисоб-китобда ҳиёнат қилманг!", "Мулойимлик — одоб зийнати!" ва ҳоказо.

Саранжом-сариштa бозорларимизда одамлар дилига ёқадиган шиор, даъват, ундаш каби насиҳатнамо сўзлар ёзиб қўйилар экан, бозор қўмиталарининг раҳбарларидан тортиб паттачи-ю, фаррошгача, ҳамма ҳалол, тадбиркор, уддабурро, муомалали ва назоратни мунтазам кузатадиган хушёр кишилар бўлишлари керак. Бозорда чойхона, ошхона, емакхоналар намунали ишлаши, жўмракларда мунтазам сув бўлиши, мабодо бирор жой—раста ифлосланиб қолса фаррошлар кечқурун олармиз демай, вақти-ганиматда тозалаб-покизалаб қўйишлари лозим.

Ҳалоллик тарғиб қилинадиган бозорларда эрталабми, пешин чоғими ёки кечки пайтми — деҳқон нарса олиб келиб қолса, учар олиб-сотарлар арзон-гаров сотиб олишига, эртасига бозорда қиммат сотишига асло йўл қўймаслик керак. Деҳқон шошиб-пишиб сотиб кетадиган ноз-неъматларни бозор қўмитаси ҳузурида ҳалоллик билан бозор нархида олиб қоладиган ва сотиб берадиган бир бошқарма бўлиши керак. Лекин бу бошқарма ҳалол ишлаши, деҳқоннинг молини сотиб берганига яраша ҳақини олиб, ҳисоб-китобни аниқ-ҳалол қилса, деҳқонлар бу бозорни тартибли, сариштa, тўғри ва ҳалол бозор деб тинимсиз келаверадилар, ана шу ихлосдан бозорга барака кириб мўл-кўлчилик, арзончилик, хушвактлик, фаровонлик бўлади.

"Сариштали бозор — фариштали", деб ана шуларга айтилади. Булар эса халқимизнинг қадим анъаналаридирки, улар ҳаёт синовидан ўтган.

Шаҳримиздаги барча бозорлар қайта таъмирланиб, тамомила янги қиёфа касб этяпти. Чунки ҳамма ерда шаҳарга, шаҳар аҳлига унинг бозорларига қараб баҳо берилади. Шунчалар гўзаллашиб, дил тортар бўлаётган бозорларимизнинг ички тартиблари ҳам ўзига яраша бўлсин, деган ниятда ўз фикримизни баён этдик.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
Тўлқин РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Назм чечаклари

ҲУР БЎЛДИНГ, ЭЛИМ!

Ойдан тўкилгувчи нурларни тердим,
Юлдузлар кўзидан дурларни тердим,
Мен уни заминда ҳурларга бердим,
Ҳурларнинг сафида ҳур бўлдинг, элим,
Бу кўҳна Туронда нур бўлдинг, элим.

Армонингни ортган карвонлар толди,
Тизгини адашган сорбонлар олди,
Мозийга айланиб ёлғонлар қолди,
Оҳинг мозийни ҳам ўртайди, элим,
Бағрингда аламлар қартайди, элим.

Кулиб эшитдилар йиғлаб айтганинг,
Ёдингда тургайми, бўзлаб қайтганинг,
Тепиб ҳам ўтдилар ҳолсиз ётганинг,
Илму маърифатда гул бўлган, элим,
Жаннат диёрида қул бўлган, элим.

Разолат, ҳиёнат жонингдан ўтиб,
Бир кун бош кўтардинг ўзингни тутиб,
Шаҳидлар шу кунни ётганди кутиб,
Темурдек султони бор бўлган, элим,
Аллоҳи ўзига ёр бўлган, элим.

Андижонда от миниб турмиш Бобур,
Ўз ҳокин тупроғида кўрмиш Бобур,
Ўғлонинг қодирдир, ўғлонинг ботир,
Норингни қадрла, нор билгин, элим,
Қоринга қулликни ор билгин, элим.

Зўрликни туш кўрмиш жоҳил ҳали ҳам,
Ҳурликни хуш кўрмиш яратган эгам,
Биздан илтижодир, ўзидан карам,
Қадринг қароғингда чўғ бўлсин, элим,
Қўлингда эрк деган туғ бўлсин, элим.

НИЯТ

Келинг, дўстлар, дилингизда хушон бўлай,
Мен ҳам юртга бир шоири ўғлон бўлай

Ҳиёнатга қўл урсангиз билиб-билмай,
Қалбингизда ингграб турган виждон бўлай.

Тўқликлардан, шўхликлардан тўйсангиз гар,
Узоқлардан чорлагувчи армон бўлай.

Сиз элим, деб, сиз тилим деб қурашсангиз,
Кўксингизда тиғ тутгувчи қалқон бўлай.

Она ерда бир юрмоққа зор беморим,
Қад кўтаринг, танингизда дармон бўлай.

Ҳақиқатнинг кўзларига ниш урса ким,
Турғун бобо танбурида гирён бўлай.

Шоир бўлиб яшамоқ-ку, саодатдир,
Инсон бўлиб туғилдим мен инсон бўлай.

МАЛИКАМ

Ҳар кунимдан бир сабоқ қолар,
Қадриншга етмадим маликам.
Олас жоним шу гуноҳ олар,
Қадрингга етмадим, маликам.

Тунлар дилинг кўз ёшга ботиб,
Тонглар турдинг хандалар отиб,
Сени шундоқ кўйдим йўқотиб,
Қадрингга етмадим, маликам.

Умринг тиламаган тил заҳар,
Сочинг силамаган қўл қақшар,
Сен учун дунёда ким яшар,
Қадрингга етмадим, маликам.

Жуфт қалдирғоч бахтдан ин
курса,
Тикон гулни эркалаб турса,
Бу дунёда бир бахтсиз юрса,
Мен қадрингга етмадим, эркам.

Армон бошда болишим бўлиб,
Ичган ошим нолишим бўлиб,
Ҳижрон қолди хонишим бўлиб,
Қадрингга етмадим, маликам.

ОЙ ОЙМОМО БЎЛДИ ЁР

Туриб айтиб тутмадим,
Юриб айтиб етмадим,
Қизғалдоқдай қучай деб
Қанча қонлар ютмадим.

Ой деб олмалар отдим,
Кундек нолада ботдим,
Болишимни бўзлатиб
Тунни йиғлатиб ётдим.

Келар дедим, келмадинг,
Бир ёрижон демадинг,
Ой оймомо бўлди ёр,
Сен бағримда тўлмадинг.

Сочимга қорлар ёғди,
Изимга зорлар ёғди.
Ағёрлар ҳол сўрсалар
Кўзимдан орлар ёғди.

Сабрим садоси оҳдир,
Кўнглим унга гувоҳдир.
Кўзим йўлда ёрижон,
Бир келмасанг гуноҳдир.

АЛАМ ҚИЛСИН

Офтобга алам қилсин,
Нурини қалам қилсин.
Дафтар бўлсин юрагим,
Шеър ёзиб байрам қилсин.

Энди шеърлар ёзмайман,
Эримаган туздайман.

Ёр ишқида ёнганлар,
Мен ҳам ахир сиздайман.

Етиб етолмагайман,
Тутиб тутолмагайман.
Ўз баҳримдан ўтсам ҳам,
Ундан ўтолмагайман.

Офтоб ўпар кўзидан,
Лаби хушдир сўзидан.
Ахир қандоқ шеър ёзгай,
Бермаса гар изидан.

Офтобга алам қилсин,
Нурини қалам қилсин.
Дафтар бўлсин юрагим
Шеър ёзиб байрам қилсин.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Томошадан сўнг...

ШОДИҚУЛ БОБОНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Абдулла Қаҳҳор номидаги Сатира театрида "Бувам уйланмоқчилар" деб номланган комедиянинг кўриги бўлиб ўтди. Ушбу саҳна асари иқтидорли шоир ва драматург Тўлқин Имомхўжаев қаламига мансубдир. Кўпчилик ижод ихлосмандлари Тўлқин акани "Олтин камар" драмаси, "Тўмарис ҳақида либреттоси, "Хатин фожеаси" драматик поэмаси ва ажойиб шеърлари орқали яхши танишлари табиий.

Диққатга сазовор жойи шундаки, бу гал драматург долзарб мавзулардан бири — оила мустаҳкамлигини таъминлаш, бу борадаги муаммолар тўғрисида фикр юритган. Хусусан, киши кексайганда инжиқ бўлиб қолиши ўзига хос талқин этилганки, беихтиёр томошабинни жалб этади.

Асарнинг бош қаҳрамони Шодиқул бобо бир умр бирга яшаб келаётган кампирининг сўзларини ёқтирмай қолиб, уйланиш тараддудига тушиб қолади. Унинг саргузаштлари, Кумрибиби, Асал биби, Ойнисаҳонлар билан учрашувлари саҳнага жуда моҳирона олиб чиқилган. Гарчи воқеалар Шодиқул бобонинг тушида рўй берса ҳам ўйлаган ниятига ета олмай, таъзирини еб қолгани томошабинни бефарқ қолдирмайди.

"Бувам уйланмоқчилар" комедиясидаги асосий симоларни Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулла Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турдибек Содиқов, артистлардан Амина Иботуллина, Зарифа Исмоилова, Асрор Тошкенбоев, Гўзал Ражабова ва бошқалар яратишган.

Томошадан сўнг ушбу асарни саҳнага олиб чиққан Сатира театри режиссёри Ҳабибулла Файзиев билан суҳбатлашдик.

— Мазкур санъат даргоҳида режиссёр бўлиб ишлаётганимга уч йил бўлди, — деди Х. Файзиев. — Ҳозирги кунгача ўзбек киносида 40 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратдим. Театр соҳасида эса қирқ биринчи спектаклни саҳналаштиришим. Таниқли драматурглар Исфандиёр, Зийнат Фатхуллин, Машраб Бобоев, Иброҳим Содиков, Тўлқин Имомхўжаев ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Тўлқин аканинг "Бувам уйланмоқчилар" комедиясига келсак, бизнинг театримизда у кишининг илк асари саҳналаштирилди.

— Айтишларига қараганда, Тўлқин аканинг асари Қозон шаҳридаги театр саҳнасида ҳам намойиш этилар экан...

— Тўғри. Сатира театримиз саккиз йилдан бери Татаристон билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Яқин кунларда Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш", драматург Иброҳим Содиковнинг "Олтин жўжа", Тўлқин Имомхўжаевнинг "Аравакаш" пъесаларини олиб борамиз. Тўлқин аканинг "Бувам уйланмоқчилар" комедиясини татар тилида тақдим этиш ниятимиз ҳам бор.

Шавкат САЪДИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг мажлислар залида ЎРФФ Ижроқўмининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Республика футбол федерациясининг президенти Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Ижроия қўмитаси йиғилишида федерация фаолиятига оид муҳим масалалар кўриб чиқилди, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси низомига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида:

1995-1996 йиллар учун мусобақалар ўтказиш тартибига ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида:

Республика футбол федерациясида

ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг 1994 йилги иш фаолияти якунлари ва 1995 йилги вазифалари тўғрисида:

Ўзбекистон Республикасининг III миллий чемпионати, республика биринчилиги ва Кубоги мусобақаларининг 1994 йилги якунларини тасдиқлаш:

Йиғилишда ўтган йилги мусобақаларда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, муаммоларни ҳал этиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Республика футбол федерациясининг Низомига ФИФА кўрсатмасига мувофиқ, қуйидагича ўзгаришлар киритилди:

Бу йилдан бошлаб, Республикамиз миқёсидаги барча мусобақаларда галаба учун 3 очко, дуранг натижага 1 очко, мағлубиятга эса 0 очко бериладиган бўлди. Мамлакат Кубоги учрашувининг асосий вақтида дуранг натижа қайд этилса, 15 дақиқадан қўшимча 2 тайм белгиланади ва ўйин биринчи гол киритилган дақиқагача давом этади.

14 январь куни Республика футбол федерациясининг II пленумини ўтказиш белгиланди

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

1995 йил элимиз маънавий оламида, хусусан нашриётчилик соҳасида ўзига хос янгиликлар, ўзгаришлар ясаши табиий ҳолдир. Зеро, юртимиз тарихи, маданиятининг очилмаган қирралари ҳали етарли. Қолаверса, маънавият деганлари чек-чегара билмайди. Халқимиз эса китобхон, мутолаа шайдоси. Шунга кўра бизнинг Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётимиз йил давомида бир қанча нодир, қизиқарли китобларни чоп этиб боради. Маълумки, инсоният бошига саноқсиз кулфатлар солган иккинчи жаҳон уруши тугаганига ярим аср тўлмоқда. Жорий йилда нашриёт чоп этадиган китоблар режаси ҳам мана шу шонли санага бағишланган китоблар рукни билан бошланади. Жангларда иштирок этган Султон Акбарий, Зоҳиджон Обидов, Мумтоз Муҳамедов, Назармат, М. Ортиқхўжаев, Ш. Орифий каби ўнлаб шоирлар шеърларидан тартиб берилган "Жангоҳдан садолар" тўпламини, Назарматнинг Самарқанддаги олий ўқув юртларини битириб, жангга отланган бир гуруҳ ёш ўзбек зиёлиларининг матонати, ички руҳий ҳолати, ташвиш ва ўйлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Оловли тонг" ҳужжатли қиссасини, уруш қатнашчиси, ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг "Довон" ("Генерал Равшанов" романининг иккинчи китоби) романини нашрдан чиқариш мўлжалланган.

"Ўзбек адабиёти" рукни билан чоп этиш режалаштирилган китоблар орасида турли авлод вакилларининг асарлари бор. Ойбекнинг "Болалик" қиссаси, Иззат Султон ва Шукрулло драмалари тўпламлари, Зулфиянинг шеърлари тўплами, Омон Мухтор, Муҳаммад Салом, Нодир Норматов, Тўра Сулаймон, Ражаббой Отатурк ва бошқаларнинг насрий китоблари, Ойдин, Абдусаид Кўчимов, Абдували Қутбиддин, Ҳалима Аҳмедова, Зулфия Бобоева қаламига мансуб шеърий тўпламлар чоп этилади.

Китоб жавонингизга

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Мумтоз адабиёт намуналарини, халқимиз тарихига оид нодир асарлар, қатағон йиллари қурбони бўлган шоир ва ёзувчилар, олимлар асарларини халққа етказиш мақсадида тайёрланаётган китоблар ҳам анчагина. Булар орасида Ҳофизи Таниш Бухорийнинг ўрта аср Мовароуннаҳри тарихи ҳақидаги йирик асари "Абдулланома"нинг I ва II китоблари, Али Фахриддин Сафийнинг "Латойиф ут-тавойиф" китоби, Абдурауф Фитратнинг шеърлари, ҳикоялари, драмалари ва илмий мақолаларидан иборат сайланма китоби — "Ватан саждагоҳимдир" нашрга тайёрланмоқда. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан "Тилла балиқча" эртаклар китоби, "Ўзбек халқ эртаклари"нинг I китоби, "Дўмбирам" термалар тўплами ҳам ўқувчилар қўлига етиб боради.

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган икки асар инглиз адибаси ва тарихчиси Хилда Хукзэм қаламига мансуб "Жаҳонгир Амир Темур Кўрагон" ҳамда Амир Темур ўз қўли билан битган "Мен фотиҳ Темур" китоблари кўпчиликка манзур бўлишига ишонамиз. Инглиз адибасининг кўпгина ишонарли манбаларга таянган ҳолда ёзган бу китоби буюк бобокалонимиз шахсига нисбатан холислиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. "Мен фотиҳ Темур" асари эса буюк саркарда ва адолатли амир ҳақида биз ўқиган, эшитган ёки билган маълумотларимизга аниқлик киритади. Темур шахсининг ғоятда улуғворлигини, шариат аҳкомларининг билимдони ва ҳимоячиси бўлганини, адолат билан ҳукм юргизгани ва қаттиққўллик билан марказлашган катта давлатни барпо этганини биламиз. Кўп йиллар мобайнида Амир Темур ҳақида бизга тиқиштириб келинган талқинлар асосиз ва уйдирма эканлигини, у ноёб истеъдодлар соҳиби ва бетакрор сиймо бўлганлигини ўқиб, беихтиёр ифтихор туйғулари асири бўласиз.

Жаҳон мумтоз адабиётидан ўзбекчага ўгирилган асарлар ҳам режадан анча ўрин олган. Араб ёзувчиси Журжи Зайдоннинг "Хорун ар-Рашиднинг синглиси" романи, Жорж Сименоннинг "Мажестик меҳмонхонасидаги қотиллик", Явдат Илёсовнинг "Илон ўргатувчи" каби асарлари шулар жумласидандир. Нашриёт болалар учун, шунингдек, русийзабон китобхонлар учун ҳам бир қатор китобларни чоп этиш тараддудида. Булар орасида замонавий ўзбек детективи намуналари, турли сеҳрли-фантастик эртак китоблари, санъатга оид адабиётлар, ёш ижодкорлар китоблари бор. Республика матбуот давлат қўмитаси яқинда "Истиқлол: янги давр ва янги қаҳрамон" мавзусида кўрик-танлов эълон қилган эди. Мана шу кўрик-танлов шартларига жавоб берадиган асарлар танлов таҳрир ҳайъатининг қарори билан китоб ҳолида нашр этилишига ҳам тавсия қилинади.

Жонибек СУБҲОН,
Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг бош муҳаррири.

Қилмиш-қидирмиш

ДЎКОН ЎҒРИЛАРИ

Тор носоз бўлса, қуй бузилади, дейди доно халқимиз. Денис, Олег ва Алишер тарбиясининг бузилиши асли оиладаги муҳитнинг ёмонлигидандир. Ҳар учаласининг рўйхати туман милиция яоя етмаган болалар билан ишлаш назорати ходимларига тушганига бир-икки қовун пишиги ҳам бўлди.

Оилага бориб, мактабларига қатнаш натижасидаги қатор ёзишмалар, тушунтириш ишлари ҳам кор қилмади. Улар жарақ-жарақ пул топишга ва тараллабедод юришларга қизиқишди. Ҳа бу "уч оғайни ботирлар" бир-икки соатнинг ичида бойиб кетишга, қўлларида "Марлборо" сигаретаси ва оғзида "Лове ис" сақичи билан таксида шаҳар кезишни кўнгиллари тусаб қолди. Уларни бу билан шайтон яна бир марта йўлдан урди.

Эрта тонг маҳали. Шундоққина катта йўл ёқасидаги дўконнинг қоровули дод-вой билан "Ёрдам беринглар, ўғри урди, ёрдам беринглар, милиция, милиция" деб бақира бошлади.

Шу вақт ҳудуд нозири, милиция капитани Э. Сотимбоев келди-да, аҳволни суриштирибоқ ҳеч иккиланмай, тўппа-тўғри Алишернинг уйига борди ва не кўз билан кўрсинки, "уч оғайни ботирлар" ўғирланган молларни тақсимлашаётган эканлар.

— Бир-икки соат ичида қингир йўллар билан бойимоқчи бўлган бу ўсмирларнинг ўғирлик жинояти бир неча дақиқа орасида фош этилди,— дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Шарифжон ака Умарҳонов.

Дастлабки тергов натижаларига кўра, "уч оғайни ботирлар"дан тортиб олинган молларнинг умумий қиймати 10 минг сўмдан ортиқдир. 13-15 ёшлардаги бу болаларнинг тавбаларига таяниб қилмишларидан тегишли хулоса чиқаришларига умид бор. Аммо қачонки, жамиятнинг ҳар бир фуқароси бундай иллатларга бефарқлик қилмаса ва келажагимиз ёшларининг ҳаётларига лоқайд бўлмасалар...

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ.

Гиёвандлик-иллат

"БИЛМАЙМАН ДЕДИМ, ҚУТУЛДИМ"МИ?

Газетанинг ўтган сонларидан бирида "Тошкент — Шимолий" темир йўл шоҳбекатида йўловчиларни божхона назоратидан ўтказиш пости бошлиғининг сергаклиги туфайли ноқонуний олиб кетилаётган 5 килограммга яқин гиёвандлик моддаси ушланиб, мусодара этилганлиги тўғрисида хабар берган эдик. Яқинда худди шу пост ходимларининг синчковлиги туфайли яна 8 килограммга яқин ноқонуний олиб кетилаётган гиёвандлик моддаси қайтариб қолинди.

Ушбу воқеа шундай юз берди. Ё. Наимов бошчилигидаги пост назоратчилари "Қизил тўқимачи" вагон тозалаш депосида 85-"Тошкент — Москва" йўналиши бўйлаб йўлга чиқишга тайёрланаётган поезднинг 12-вагони кузатувчиси А. А. исмли ходимнинг махсус дам олиш хонасини божхона кўригидан ўтказаётганларида у ерда қандайдир шубҳали қоп борлиги аниқланди. Кузатувчидан қопдаги нарса нима эканлиги сўралганда у "Мен билмайман, икки нотаниш йигит мендан шу қопни Москва шаҳрига элтиб беришимни илтимос қилишди ва унинг ичида 12 дона шуба борлигини айтишган", деди. Лекин бу жавоб божхоначиларни қониқтирмади, аксинча уларнинг шубҳасини янада оширди. Шундан кейин қоп гувоҳлар иштирокида очиб кўрилганда улар бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўлишди: шубалар борлиги айтилган қоп ичидан 10 та (!) полиэтилен халтачаларга жойланган ва гиёвандлик моддаси деб гумон қилиш мумкин бўлган 8 килограмм атрофидаги шубҳали аше топишди. Ҳақиқатан ҳам у лаборатория текшируви хулосасига кўра наша, гиёвандлик моддаси эканлиги аниқланди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик юзасидан тўпланган материаллар текшириб, чора кўриш мақсадида Тошкент станцияси транспорт милициясига юборилди.

Хизмат вазифасини бажариш пайтида алоҳида синчковлиги ҳамда сергаклиги туфайли Тошкент шаҳар Божхона хизмати раҳбарияти томонидан божхона пости бошлиғи Ё. Наимов, нозирлар В. Ким ва Р. Диёровлар моддий рағбатлантирилди.

Пўлат ЖОЗИЛОВ,
Тошкент шаҳар божхона хизмати катта нозири.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма -Г-0009 •Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.